

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 11-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш. Ер бериш тартибини бузиш. Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик. Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш. Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш. Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш. Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик. Чикиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш. Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш. Саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда олиб келиш. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш. Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта

ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик. Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида мулкка тажовуз килувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Топиб олинган мол-мулк деганда** – бошқа шахснинг мулки ҳисобланган, бирон бир сабабга кўра унинг ихтиёридан ташқарида бўлиб қолган ёки қаровсиз ҳолда турган мол-мулкдир.
- **Ёдгорликлар деганда** - тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография, фотография материаллари, кинофилмлар, аудио-, видео ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, қўлёзма ва чизма

хужжатлар, қадимги қўлёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликлари тушунилади.

- **Маданий мерос объектлари** – моддий маданий мерос объектлари - тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар; номоддий маданий мерос объектлари - тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусика, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлардан иборат.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” бобида табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (60-м.), оз миқдорда талон-торож қилиш (61-м.), топиб олинган мол-мулкни яшириш (62-м.), ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш (63-м.), тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (64-м.) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Оз миқдорда талон-торож қилиш. Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Ушбу ҳуқуқбузарлик мол-мулкни:

- ўғирлаш;
- ўзлаштириш;
- растрата қилиш;
- мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш;
- фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишда ифодаланади

Ҳуқуқбузарлик:

объекти – шахсларнинг мулкка оид ҳуқуқлари;

объектив томони – ҳаракат;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судя ва Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари ваколатига киритилган.

Топиб олинган мол-мулкни яшириш. Топиб олинган мол-мулк дэганди – бошқа шахснинг мулки ҳисобланган, бирон бир сабабга кўра унинг ихтиёридан ташқарида бўлиб қолган ёки қаровсиз ҳолда турган мол-мулкдир.

Ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – шахсларнинг мулкка оид ҳуқуқлари;

объектив томони – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (мол-мулкни яшириш);

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судя ваколатига киритилган.

Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасига биноан фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидалари;

объектив томони – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ва мансабдор шахслар;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судья ҳамда туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган ердаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида тузилган маъмурий комиссиялар ваколатига киритилган.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Табiiй ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш.
- Оз миқдорда талон-торож қилиш.
- Топиб олинган мол-мулкни яшириш.
- Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш.
- Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Оз миқдорда талон-торож қилишнинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?
2. Топиб олинган мол-мулкни яшириш юридик таркибини кўрсатиб беринг?
3. Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Респуб-ликаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎзР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎзР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с

- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.